



04.07.2022 даги

"OQTOSH DIZAYN" mas'uliyati cheklangan jamiyati va Наманган шаҳар ХТБ марказ ўртасида 551735372,00
сўм умумий суммага тузилган 2022-284-6-91-ХТ - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
Шахсий ғазна ҳисобварак 401722860144017092100075042

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4331200			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль	551 735 372,00			551 735 372,00
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	551 735 372,00			551 735 372,00

Жами 551735372,00 сўм

Беш юз эллик бир миллион етти юз ўттиз беш минг уч юз етмиш
икки сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 0 сўм ёки 0,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойда тўланиши лозим.

() — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада
тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши
лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар
кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(имзо)

Тошпулатов Орифжон Абидович
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Раҳимбердиев Шавкат Хасанбаевич
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «4» 7

2022-284-6-91-ХТ-
сон

Наманган шаҳар.

Амалда Низом асосида иш кўрувчи кейинчалик «Буюртмачи» деб юритувчи Наманган шаҳар халқ таълими бўлими раҳбари в.в.б. **О.Ташпулатов** бир томондан амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Пудратчи» деб юритилувчи «OQTOSH DIZAYN» МЧЖ номидан иш кўрувчи **Ш.Умирзақов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. "Пудратчи" ўз таваккалчилигига асоланган ҳолда ўзининг (лозим деб топилганида "Буюртмачи"нинг материалларидан фойдаланган ҳолда) "Буюртмачи"нинг топшириғига асосан Наманган шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 14-сонли умумий ўрта таълим мактабининг мукамал таъмирлаш ишларини мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартнома шартлари бажарилишини тарафлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадилар.

1.3. "Буюртмачи" бажарилган таъмирлаш ишларини қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА УМУМИЙ ШАРТЛАРИ.

2.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари билан тўла-тўқис таъминлайди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини «Пудратчи» «Буюртмачи» номидан тайёрлатиш мумкин. Бу ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи»га кетган сарф-харажатларни 1 ойдан ошмаган муддатда тўла-тўқис тўлаб беради.

2.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки бажарилган ишлар далолатномасидаги Ф-2 лимитланган ва бошқа харажатлар «Буюртмачи» «Пудратчи» билан ўзаро тасдиқланган тақдим этилади.

2.3. «Пудратчи» шартномада кўрсатилган иш турларини бажариш учун ёрдамчи ташкилотлар (суподряд)ни «Буюртмачи»дан рухсат олмаган ҳолда жалб этиши мумкин. Бу ҳолда ёрдамчи ташкилот билан «Пудратчи» ўзаро тузилган шартнома асосида ҳисоб-китоб қилади.

2.4. Таъмирлаш ишларини бажариш учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га қурилиш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.

2.6. Иш бажариш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларидан ташқари бажарилиши керак бўлган «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида алоҳида тузилган далолатнома асосида бажарилади.

2.7. «Буюртмачи» «Пудратчи»дан бажарилган ишларнинг миқдорини ва сифатини текшириб олади, бажарилган иш лойиҳа-смета ҳужжатларига тўғри келмаса «Пудратчи» камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Ушбу шартнома суммаси **551 735 372,00 (беш юз эллик бир миллион етти юз ўттиз беш минг уч юз етмиш икки)** сўмни ташкил этади.

3.2. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоблар суммалари пул утказиш йули билан амалга оширилади ҳамда «Буюртмачи» «Пудратчи»га бажариладиган иш бўйича олдиндан 30 фоиз тўловни амалга оширади.

3.3. Тўловларни «Пудратчи» билан «Буюртмачи» ўртасида имзоланган ҳар ой учун бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2, Ф-3) асосида «Буюртмачи» томонидан 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

3.4. "Пудратчи" ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган таъмирлаш ишларини календарь режасида белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. "Пудратчи"нинг мажбуриятлари:

-ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календарь режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ҳамда "Буюртмачи"га лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишни топшириш;

-лойиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

-ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва уларни ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат бинолар иссиқлик тизимини таъмирлаш;

-ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида "Буюртмачи"ни хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

-қурилиш майдончаси ёки жойидаги техника ва ёнғин хавфсизлик ҳамда қурилиш таъмирлаш майдончасининг ёки жойининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

-лозим деб топилганида жорий таъмирлаш объектларини суғурта қилиниши таъминлаш;

-жорий таъмирлаш тугулланган объектларни қабул қилиш ва топшириш;

-агар таъмирталаб бериш жараёнида «Пудратчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «бюджет ташкилоти»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш;

-топшириш ва қабул қилиш далолатномаси имзоланганидан кейин 3 кунлик муддатда жорий таъмирлаш майдончасидан ёки жойидан ўзига тегишли мол-мулкни олиш кетиш.

4.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари:

-жорий таъмирлаш ишлар ўтказиладиган майдонча ёки жойни бўшатиб берилишини талаб қилиш;

-шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда шартноманинг 1.1 бандида назарда тутилган ишларни бажариш учун аванс тўловларини тўлаб берилишин талаб қилиш;

-«Буюртмачи» томонидан қабул қилинган бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун тўловларни амалга оширишни таълаб қилиш.

4.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

-жорий таъмирлаш ишларининг календарь режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда «Пудратчи»га таъмирлаш майдончаси ёки жойини топшириш;

-шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда шартноманинг 1.1 бандида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун «Пудратчи»га ҳақ тўлаш;

-«Пудратчи»нинг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб, икки ҳафта ичида жорий таъмирлаш ўтказилган объектни қабул қилиб олиш.

4.4. «Буюртмачи» ҳуқуқлари:

«Пудратчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Пудратчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртномага мувофиқ сифатли бажарилишини талаб қилиш:

- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан туғриланишини, харажатларини қопланишини талаб қилиш;

- бажарилган ишларни баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш.

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Пудратчи»дан талаб қилиш.

Агар таъмирталаб бериш жараёнида «Пудратчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «бюджет ташкилоти»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. Бажарилган ишлар далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Бюджет ташкилоти» муддатлар бузилган ва иш сифати қониктирмаган ҳолда бажарилан ишлар қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.5. Бажарилган ишлар бўйича бевосита «Бюджет ташкилоти»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган бажарилган ишнинг миқдори уларнинг сифати кўрсатилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Бажарилган иш сифати, миқдори «Пудратчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Пудратчи» бажарган ишнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи»га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

6.2. Агар бажарилган ишнинг сифати, шартлар талабларига ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган бажарилган иш қийматининг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Бажарилган иш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари бажарилган ишнинг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Пудратчи» «Буюртмачи»га бажариб берилмаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.4. Бажариладиган ишни кечиктирилган ёки тўлиқ бажариб берилмаган тақдирда «Пудратчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва бажариб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажариб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.5. Бажарилган иш учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Пудратчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. Ушбу шартномада, унинг шартларини бажарилмаслик ҳолатлари юзасидан жавобгарлик белгиланмаган бўлса, бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талаблари бўйича амалга оширилади.**

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ.

7.1. Ушбу шартноманинг тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

Хусусан, ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.2. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.3. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.4. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан

ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмасликни таъминлайдилар.

7.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

8. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.

8.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув ва келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган масалалар белгиланган тартибда Наманган туманлараро Иқтисодий судида ҳал этилади.

8.3. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бошқа тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР.

9.1. Ҳар иккала тараф ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганлик учун жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса;

- фаолиятни текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан товарларни етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

9.2. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

10.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

10.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ҳудудий фазначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил "31" декабрга қадар амал қилади.

10.2. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.



11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

11.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

11.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Буюртмачи»	«Пудратчи»
<p>Наманган шаҳар ҳалқ талими бўлими</p> <p>Манзил: Б.Машраб кўчаси № 12- уй Ш.х.в 401722860144017092100075042 СТИР 200056810 ОКОНХ 97600 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги</p>	<p>«OQTOSH DIZAYN» МЧЖ</p> <p>Манзил: Уйчи тумани Темур малик кўча № 10-уй</p> <p>Х/р: 20208000205384214001</p>
<p>Фазна х/в 23402000300100001010 Банк номи; Марказий банк Тошкент бош бошқармаси ХККМ МФО 00014 Фазначилик булинмаси СТИР 201122919</p>	<p>Банк номи: "АТ Халқ банк" Уйчи филиали</p> <p>МФО 007115 ИНН 308455298</p>
<p> Раҳбар: в.в.б.  О.Ташпулатов</p>	<p> Раҳбар  Ш.Умирзақов</p>

**Tuzilayotgan shartnoma loyihasining qonunchilikka
muvofiqligi yuzasidan**

XULOSA № ON06506610

2022 yil 04 iyul

Namangan shahar.

**«Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi
to'g'risida»gi Qonunining 21-modda talablari yuzasidan.**

Men Namangan shahar yuridik xizmatlar ko'rsatish markazi bosh yuriskonsul'ti Xakimov Iqboljom, Namangan shahar xalq ta'lim bo'limi va «OQTOSH DIZAYN» MCHJ o'rtasida tuzilayotgan shartnoma loyihasini amaldagi qonunchilik talablariga muvofiqligini o'rganib chiqib quyidagilarni,

ANIQLADIM:

Namangan shahar maktabgacha ta'lim bo'limi va «OQTOSH DIZAYN» MCHJ o'rtasida Namangan shahar halq ta'lim bo'limiga qarashli 14-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabining mukammal ta'mirlash ishlari bo'yicha pudrat asosida tuzilayotgan 551 735 372,00 (besh yuz ellik bir million yetti yuz o'ttiz besh ming uch yuz yetmish ikki) so'mlik shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 04.07.2022 yilda markazga taqdim etilgan.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi hamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi Qonunlari talablariga va yuqoridagilarga asoslangan holda,

XULOSA QILAMAN:

Taraflar o'rtasida tuzilayotgan shartnoma loyihasi qonunchilik doirasida amalga oshirilayotgan bo'lib, taraflar tegishli tartibda shartnomani rasmiylashtirishlarini tavsiya etiladi.

Markaz bosh yuriskonsulti



I.Xakimov



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OQTOSH DIZAYN" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OQTOSH DIZAYN" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.05.2021

985622

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308455298

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Uychi tumani, Yorqo'rg'on, Oqtosh MFY Temur Malik
ko'cha ,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Uychi tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 102991 на приобретение капитальный ремонт нежилого здания 14-мактаб

Способ проведения электронный

Дата 29.06.2022

Время рассмотрения 29.06.2022 10:01

Конкурсная комиссия Наманган шаҳар халқ талими бўлими марказлашган ҳисобхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ABDULLAYEV AKBARALI XAMIDULLAYEVICH	Начальник отдела	Халқ таълим
Секретарь комиссии	XOLMIRZAYEV ABDUVOXID AXADOVICH	Кадровый отдел	Халқ таълим
Член комиссии	ERGASHBAYEV SHOXRUXJON SHUXRAT O'G'LI	Специалист	Халқ таълим
Член комиссии	KAMBAROVA NILUFAR MUXITDINOVNA	Председатель профсаюза	Халқ таълим
Член комиссии	ABDUSALOMOV ABDUSHUKUR AXMADJON O'G'LI	Член комиссияси	Халқ таълими бўлими
Член комиссии	MIRKAMILOV MADIYOR MADAMINJANOVICH	Отдел кадров	Халқ таълим

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.06.2022 года № лота 102991.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальный ремонт нежилого здания
Подробное описание	Услуги по капитальный ремонт нежилого здания
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	562 995 278.00
Стартовая сумма	562 995 278.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OQTOSH DIZAYN MChJ	14.3	551735372	12	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
kvars sanoat servis XK	14.3	562000000	9	Экспертная		
DIL-MUROD QURILISH INVEST MЧЖ	14.3	Молиявий ахвол	8	Экспертная		

Критерий №2 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OQTOSH DIZAYN MЧЖ	14.3	551735372	12	Экспертная		
kvars sanoat servis XK	14.3	562000000	9	Экспертная		
DIL-MUROD QURILISH INVEST MЧЖ	14.3	3 йиллик тажриба	8	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OQTOSH DIZAYN MЧЖ	14.3	551735372	12	Экспертная		
kvars sanoat servis XK	14.3	562000000	9	Экспертная		
DIL-MUROD QURILISH INVEST MЧЖ	14.3	2-шакл	8	Экспертная		

Критерий №4 Машина ва механизмлар рўйхати, 6 - шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати, 6 - шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OQTOSH DIZAYN MЧЖ	14.3 -	551735372	12	Экспертная		
kvars sanoat servis XK	14.3	562000000	9	Экспертная		
DIL-MUROD QURILISH INVEST MЧЖ	14.3	Список машин и механизмов	8	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ОQTOSH DIZAYN МChJ	14.3	551735372	12	Экспертная		
kvars sanoat servis XK	14.3	562000000	9	Экспертная		
DIL-MUROD QURILISH INVEST МЧЖ	14.3	Танловда вақтида иштрок этиш вақтида бошқа пудрат шартномалар мавжуд эмас.	8	Экспертная		

Критерий №6 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 9-шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ОQTOSH DIZAYN МChJ	14.3	551735372	12	Экспертная		
kvars sanoat servis XK	14.3	562000000	9	Экспертная		
DIL-MUROD QURILISH INVEST МЧЖ	14.3	9-шакл	8	Экспертная		

Критерий №7 Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш. 1 - шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш. 1 - шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ОQTOSH DIZAYN МChJ	14.3	551735372	12	Экспертная		
kvars sanoat servis XK	14.3	562000000	9	Экспертная		
DIL-MUROD QURILISH INVEST МЧЖ	14.3	1-шакл	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
kvars sanoat servis XK	562 995 278.00	562 000 000.00	28.06.2022 11:45:01	9.72
OQTOSH DIZAYN MChJ	562 995 278.00	551 735 372.00	27.06.2022 10:40:22	9.90
DIL-MUROD QURILISH INVEST MЧЖ	562 995 278.00	546 105 419.00	28.06.2022 15:43:03	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
kvars sanoat servis XK	56.6433	9.71718	66.36048
OQTOSH DIZAYN MChJ	75.5244	9.89796	85.42236
DIL-MUROD QURILISH INVEST MЧЖ	50.3496	10	60.3496

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 102991 от 29.06.2022 года на приобретение капитальный ремонт нежилого здания 14-мактаб определила победителем:

OQTOSH DIZAYN MChJ
308455298

и резервный исполнитель: kvars sanoat servis XK (303167596)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	MIRKAMILOV MADIYOR MADAMINJANOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUSALOMOV ABDUSHUKUR AXMADJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ERGASHBAYEV SHOXRUXJON SHUXRAT O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	KAMBAROVA NILUFAR MUXITDINOVNA	Согласен	
Председатель комиссии	ABDULLAYEV AKBARALI XAMIDULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 04 ” Июл 2022 йил

Наманган.ш

Наманган шаҳар халқ таълими бўлими ташкилоти томонидан 2022 йил “10” Июндаги №- **22110012102991** сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича жорий таъмирлаш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича (“**OQTOSH DIZAYN**” ,МЧЖ “**kvars sanoat servis**” хк , “**DIL-MUROD QURILISH INVEST**” МЧЖ,)лар томонидан таклифлар берилган. Шулардан, “**OQTOSH DIZAYN** МЧЖ, нинг таклифи комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Наманган шаҳар ХТБ
буюртмачи ташкилоти мудири :



Наманган шаҳар ХТБ
ташкилоти бош ҳисобчиси

О.Ташпулатов

Ш.Рахимбердиев

**XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN SHAHAR KENGASHINING****QARORI**

2022 - yil 14 - aprel

VI-41-39-6-91-K/22

Namangan shahar hokimligi

Наманган шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан 2022 йил биринчи мавсумида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ғолибларига маблағларни йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 72 ва 94-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарори ҳамда халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг 2022 йил 4 мартдаги VI-39-19-6-91-K/22-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Наманган шаҳар ҳокимлиги молия бўлимининг 2022 йил 4 апрелдаги 01-20/401-14-02-38-234-сонли хати ҳамда “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” бўйича доимий комиссиясининг 2022 йил 14 апрелдаги 5/1-сонли қарорини инобатга олиб, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган танлаб олинган тадбирларни молиялаштириш учун 2022 йил биринчи мавсуми якуни билан Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” портали орқали эълон

қилинган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ғолибларининг манзилли рўйхати ишчи комиссиянинг таклифига кўра, иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил биринчи мавсуми якунига кўра, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб деб топилган таклифларга Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ташаббусли бюджет” жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилсин.

3. Наманган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исаков, Давлатобод туман ҳокими А.Таджимирзаев, Янги Наманган туман ҳокими Ж.Абдуллаевлар ташаббусли бюджет жараёнлари бўйича ғолиб деб топилган лойиҳаларда белгиланган ишларни тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши, ўз вақтида молиялаштирилишини назорат қилиш учун шахсан масъул этиб белгилансин.

4. Наманган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исаков, Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Домлажанов, Давлатобод туман ҳокими А.Таджимирзаев, Янги Наманган туман ҳокими Ж.Абдуллаев, халқ таълими бўлими (Ж.Лутпиллаев), мактабгача таълим бўлими (И.Сайфиддинов), тиббиёт бирлашмаси (Ш.Хайдаров), “Наманган сув таъминот” МЧЖ Наманган шаҳар филиали (Ё.Ходжиев) ҳамда шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси (И.Гиясов)га:

ажратилган маблағларни молиялаштириш манбасини очиш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, шаҳар молия бўлими ва шаҳар бўйича ғазначилик бўлинмасига тақдим этиш;

белгиланган тартибда ғолиб бўлган ташаббусларнинг лойиҳа-смета харажатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлган тадбирларни амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларининг (объектларининг) дастлабки манзилли рўйхатини шакллантириш;

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Шаҳар молия бўлими (З.Мўминов)га:

ғолиб деб топилган ҳар бир лойиҳа учун буюртмачи ташкилотларга “401722...” маблағлар манбаси билан алоҳида ҳисобварақлар очган ҳолда тегишли маблағларни ўтказиб бериш бунда, порталда “ғолиб” деб топилмаган бошқа лойиҳаларни молиялаштиришга йўл қўймаслик;

лойиҳани амалга ошириш бўйича буюртмачи ташкилотлар томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб-чиқиш бўйича ишларни ташкиллаштиришни назоратга олиш;

лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқилишида, лойиҳа амалга ошириш дастлабки қийматидан келиб чиқиб амалга ошириладиган ишлар ҳажмини сунъий равишда кўпайтириш ёки камайтириш ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олиш чораларини кўриш;

ишлаб чиқилган лойиҳа смета ҳужжатлари асосида ишларни амалга ошириш бўйича пудратчи корхоналарни аниқлашда Давлат харидлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ белгиланган тартибда танловларни ўтказишни таъминлаш;

шартномаларни қисқа муддатларда расмийлаштирилган ҳолда пудратчи корхоналарга бўнак тўловларини тўлаб берилишини назоратга олиш, ҳамда пудратчи томонидан шартномада кўрсатилган ишлар бажарилган (товар ёки хизматлар етказиб берилган) ҳолдагина тўловларни қолган қисмини амалга оширилишини алоҳида назоратга олиш топширилсин.

5. Шаҳар бўйича ғазначилик бўлинмаси (Х.Ҳамидов)га:

“Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари бўйича шартномаларни рўйхатдан ўтказишда Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларига қатъий риоя этилганлигини юзасидан дастлабки ва жорий назоратни амалга ошириш;


тақдим этилган шартномаларни “Очиқ бюджет” ахборот порталида қолиб деб топилган лойиҳалар мазмунига кўра муганосиблигини ўрганиш ҳамда лойиҳада назарда тутилмаган тадбирлар учун харажатларни амалга оширмаслик;

бажарилган ишлар учун тўловларни амалга оширишда тақдим этилган ҳужжатларни ҳаққонийлиги юзасидан жорий назорат ўтказиш ҳамда бажарилмаган (етказиб берилмаган товар ёки хизматлар) учун тўловларни амалга ошириш бўйича қайд этилган ҳолатлар юзасидан Давлат молиявий назорат инспекцияси Наманган вилояти бошқармасига хабар бериш вазифалари юклатилсин.

6. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси раиси М.Жамолитдинов мазкур қарор билан ажратилган маблағлар сарфи тўғрисида ҳисоботларни халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг кейинги йиғилишларида муҳокамасини ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси раиси М.Жамолитдинов, шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исаков, Давлатобод туман ҳокими А.Таджимирзаев ҳамда Янги Наманган туман ҳокими Ж.Абдуллаевлар зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



Ғ.Джамалов

Xalq deputatlari Namangan shahar
Kengashining
2022 yil 14 apreldagi
VI-41-39-6-91-K/22-son qaroriga
1-ilova

**“Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб деб топилган лойиҳаларни
амалга ошириш**

юзасидан буюртмачи ташкилотларни аниқлаш бўйича

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

T/p	Тадбирнинг хос рақами (ID)	Жами тўпланган овозлар сони	Шундан		Тадбирнинг қисқача мазмуни (соҳаси)	Тадбирни амалга ошириш қиймати	Буюртмачи ташкilot номи
			онлайн овозлар	SMS орқали			
1	0820400142	5617	2	5615	Наманган шаҳар 76-сон мактабга 240 ўридли ўқув биноси ва фаоллар зали куриш.	980,0	Халқ таълими бўлими
2	0820400342	5103	10	5093	Наманган шаҳар 51-умумий ўрта таълим мактаби биноси эшик ва ромларини акфа ром ва эшикларга алмаштириш.	580,0	Халқ таълими бўлими
3	0820400102	4966	68	4898	Наманган шаҳар 18-Давлат Ихтисослаштирилган мактаб-интернати(ДИМИ) моддий техника базасини яхшилаш	626,5	Халқ таълими бўлими
4	0820400070	4942	55	4887	Наманган шаҳар 1-сон мактаб биносини ички иситиш тизимини жорий таъмирлаш.	580,0	Халқ таълими бўлими
5	0820400073	4620	48	4572	Наманган шаҳар 31-сон мактаб биноси ички иситиш тизимини таъмирлаш	580,0	Халқ таълими бўлими
6	0820400061	3635	725	2910	Давлатобод тумани 58-сон мактаби ички спорт зал бинолари ва фаоллар залини таъмирлаш	500,0	Халқ таълими бўлими
7	0820400071	3607	65	3542	Наманган шаҳар 32-сон мактаб биноси иситиш тизимини янгилаш	580,0	Халқ таълими бўлими
8	0820400003	3476	17	3459	Наманган Шаҳар ХТБ га қарашли 3-сонли умумий ўрта таълим мактабининг иситиш қозони ҳамда фаоллар зали ва томини тамирлаш	350,0	Халқ таълими бўлими
9	0820400081	3434	66	3368	Наманган шаҳар 46-сон мактабга мини футбол, баскетбол, волебол майдони куриш.	420,0	Халқ таълими бўлими
10	0820400358	3179	16	3163	Наманган шаҳар туғруқ комплекси моддий техника базасини ривожлантириш	500,0	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси
11	0820400015	3020	18	3002	Наманган шаҳар 37-сон мактабни 15 та синф хоналарини замонавий жиҳозлар билан жиҳозлаш.	300,0	Халқ таълими бўлими
12	0820400145	2939	88	2851	Наманган шаҳар 75-сон мактабни ички иситиш тизимини таъмирлаш (2 дона КВТ 300 қозон ўрнатиш)	550,0	Халқ таълими бўлими

T/p	Гадбирини хос рақами (ID)	Жами тушланган овозлар сони	Шундан		Гадбирининг қисқача мазмуни (соҳаси)	Гадбирни амалга ошириш қиймати	Буюртмачи ташкилот номи
			онлайн овозлар	SMS орқали			
13	0820400370	2795	86	2709	Наманган шаҳар "Озод" МФЙда жойлашган 9-сон оилавий поликлиникага қаттиқ ва юмшоқ жихозлар харид қилиш.	300,0	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси
14	0820400343	2714	85	2629	Наманган шаҳар 50-сон мактаб биноси иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш.	450,0	Халқ таълими бўлими
15	0820400234	2690	48	2642	Наманган вилоят ХТБ тасарруфидаги 1-сон ДИМИ биносини таъмирлаш.	900,0	Халқ таълими бўлими
16	0820400277	2655	8	2647	Янги Наманган тумани 70-сон мактаб биноси ички иситиш тизимини таъмирлаш, моддий техника базасини янгилаш ва мини спорт майдони қуриш.	300,0	Халқ таълими бўлими
17	0820400414	2645	18	2627	Давлатабод туман "Юксалиш" МФЙ ҳудудида 2-тип болалар ва спорт майдони қуриш	700,0	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими
18	0820400410	2574	220	2354	Наманган шаҳар 18-сон мактаб биносини таъмирлаш	420,0	Халқ таълими бўлими
19	0820400090	2557	19	2538	Наманган шаҳар "Обжувоз" МФЙ Диёр кўчасидаги 74-сон мактабга 12/24 метрлик ўлчамда ошхона биносини қуриш	995,0	Халқ таълими бўлими
20	0820400013	2521	233	2288	Наманган шаҳар 18-сон мактабга икки дона қозон ўрнатиш ва исситиш тизими таъмирлаш	395,0	Халқ таълими бўлими
21	0820400033	2510	80	2430	Наманган шаҳар "Шодлик" МФЙ Тўрақўрғон кўчасида ичимлик сув тармоғини янгилаш	999,0	Наманган сув таъминот МЧЖ Наманган шаҳар филиали
22	0820400333	2508	112	2396	Наманган шаҳар 44-сон умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлаш	590,0	Халқ таълими бўлими
23	0820400009	2481	7	2474	Наманган шаҳар 12-сон мактаб биноси исситиш тармоғини таъмирлаш	655,0	Халқ таълими бўлими
24	0820400075	2439	7	2432	Наманган шаҳар 25-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш	570,0	Халқ таълими бўлими
25	0820400060	2413	531	1882	Наманган шаҳар "Байналмилал" МФЙ 66-сонли МТТ биносини таъмирлаш	400,0	Мактабгача таълим бўлими
26	0820400191	2409	9	2400	Янги Наманган тумани "Ишонч" МФЙ да жойлашган 59-сон умумтаълим мактаби биносини таъмирлаш	400,0	Халқ таълими бўлими
27	0820400431	2335	425	1910	Наманган шаҳар "Баркамол авлод" МФЙ ҳудудида 2-тип болалар спорт майдончаси қуриш	500,0	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими
28	0820400345	2280	180	2100	Наманган шаҳар 14-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш	580,0	Халқ таълими бўлими
29	0820400249	2261	1	2260	Наманган шаҳар "Саноат" МФЙ ҳудудидаги 11-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш	850,0	Мактабгача таълим бўлими
30	0820400325	2087	1	2086	Наманган шаҳар "Тулбоғ" МФЙ ҳудудидаги 17-сон ДМТТ биносини мукамал таъмирлаш	1 000	Халқ таълими бўлими
	ЖАМИ	93412	3248	90164		17 550,5	